


Шерзод РАЖАБОВ

МЕЗОН



Шерзод РАЖАБОВ

МЕЗОН

Тошкент
«Muharrir nashriyoti»
2011

УДК: 821+821.512.133
ББК 84(5Ў)6
P17

Ражабов, Шерзод

Мезон / Ш.Ражабов. – Т.: «Muharrir nashriyoti», 2011, 48 б.

ББК 84(5Ў)6

Ушбу китобга ёш қаламкашнинг турли мавзудаги мақола ва бадиалари киритилди. Уларда муаллифнинг жамият, табиат ва маърифат ҳақидаги ўзига хос қарашлари, нуқтаи-назарлари ўз ифодасини топган. Қизиқарли факт ва мисоллар тўпلامнинг ўқишлилигини таъминлаган. Бу китоб Сизга манзур бўлади, деб умид қиламиз.



Тақризчи:

Фулом Каримий,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



ISBN 978-9943-386-58-7

© Шерзод Ражабов,
«Muharrir nashriyoti»,
Тошкент, 2011



*"Келажакда Ўзбекистон Марказий Осиёнинг
йўлбарсига айланади!"*

*Жаҳоннинг бетакрор башоратчиларидан бири
Кларк Онанинг ушбу сўзлари рўёби учун
ватанпарварлик ҳисси билан ўқиб-изланиб,
илдам ҳаракат қилаётган тенгдошларимнинг
порлоқ келажакига ишонч ила.*



ВАТАН ТУЙҒУСИ

Бизга ота-оналар, болалар, яқин хеш-ақраболар қимматлидир, лекин муҳаббат бобидаги барча тасаввурларимиз биргина "Ватан" деган сўзда мужассамлашган. Ватанга нафи теккудек бўлса, қайси виждонли одам унинг учун жон бермоққа иккиланар экан?

Цицерон

Ҳар бир инсоннинг киндик қони томган, ўсиб-улғайган макони унинг ватани ҳисобланади. Ватан ҳақида ҳамманинг ўз тасаввури, тушунчаси бор, албатта. Ватан деганда, биров туғилиб-ўсган овулини, обод ва бирдам маҳалла-кўйни, кимдир бахтли оиласию файзли хонадонини, яна кимдир болалик йилларида дўстлари билан тўп тепиб, турли ўйинлар ўйнаб катта бўлган кўчаларини ёки ўқувчилик даври ўтган мактабини, бошқа бирови эса ака-ука, опа-сингиллари билан қатор тизилишиб, боболари ва момоларидан ибратли эртагу ривоятлар тинглаган даврларини ёдга олади.

Ватан деганда, ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда кўпроқ юксак, виқорли тоғу адирлар, гўзал боғу роғлар, жўшқин оқар суву мусаффо осмон, яъни бетакрор табиат манзаралари гавдаланади. Табиатнинг сўлим гўшалари, бепоён кенгликлар, булар - ватаннинг моддий тимсолларидир. Лекин ватан туйғуси жаннатмонанд маконларда унинг бетакрорлигидан завқланиб яшаш ҳиссигина эмас. Чунончи, у бепоён саҳро бағрида яшайдиган арабда ҳам, чангалзорларни макон қилган ҳиндуда ҳам, асрий музликлар ўлкасида истиқомат қиладиган эскимосда ҳам, тоғу тошда ўсиб улғайган афғоннинг қалбида ҳам бирдек жунбушга келади. Ватан - геосиёсий макон эмаски, унинг катта-кичиклигига қараб унга бўлган меҳр-муҳаббатни ҳам шундай ўлчасанг. Улкан бир мамлакат фуқаросидан ҳам кўра, кичик бир оролда яшайдиган фуқаронинг ватанга бўлган муҳаббати кучлироқ бўлиши мумкин.

Ватан туйғуси - ҳис-туйғуларнинг энг соф, энг буюк ва энг суюги, қадрлиси; унда фахр-ифтихор, ор-номус, гурур ва шараф ўзаро омикталашиб кетган. Шунинг учун ҳам юртнинг мард ўғлонлари унинг учун жон бермоққа тайёр, хизмати учун ҳамиша камарбастадир. Ватан олдидаги бурч ҳамма нарсадан устун, унга бўлган меҳр-муҳаббат олдида ҳар қандай ҳиссиёт ожиз қолади. Хўш, нега бундай?

Қадимги юнон асотир (миф) ларидан бири бўлмиш "Ясон ва аргонавтлар" номли афсонавий ривоятда келтирилишича, фаровонлик ва қудрат бахш этувчи сирли Олтин мўйнани излаб олиш денгиз сафарига отланган Ясон бошчилигидаги аргонавтлар оғир синову машаққатларни бошларидан кечиришади ва ниҳоят, Олтин мўйнани қўлга киритишади. Уммон тўлқинларини виқор билан кечиб келаётган "Арго" кемаси юрт соҳилига яқинлашганда шундай ҳол рўй беради: Не-не қийинчиликларни енгиб, ватан тупроғига эсон-омон етиб келган аргонавтлар кема соҳилга яқинлашмасданоқ, ўзларини сувга отиб, беқиёс муҳаббат шижоати билан кемадан олдин сузиб боришга интилишади. Соҳилга етиб келган аргонавтлар тошу тупроқни ҳовучлаб қўлларига олиб, ўпиб, юзларига суришар, кўзларидан дув-дув ёш тўкишарди. Кемадаги устунга илиб қўйилган Олтин мўйна эса ҳеч кимнинг хаёлига келмас, кўзга сурилаётган тошларнинг қадри оғир синовларни енгиб қўлга киритилган Олтин мўйнадан ҳам юксак ва бебаҳороқ эди.

Ҳиндистондек бой ва мафтункор ўлкани қўлга киритган Бобур Мирзо умрининг сўнгги кунига қадар юрт соғинчи билан яшади. У вафотидан сўнг, васиятига кўра, ватанининг сарҳадига яқин бўлган Кобулга дафн этилади.

Машҳур грузин ёзувчиси Нодар Думбадзе бир асарида "Ватан - ичкарироқда, нақ юракнинг ўзида бўлиши керак!", деб ёзади. Чиндан ҳам ватаннинг асл моҳияти инсон қалбида жойлашган. Юртнинг сарҳадлари тарих давомида кўп маротаба ўзгаради, гоҳ тараққиёт, гоҳ инқирозлар рўй беради, маданиятлар, қадриятлар шаклланади, халқнинг сўзлашув тилида ўзгаришлар бўлади. Аммо бир нарса ҳеч қачон йўқликка юз тутмайди, турли синовлар унга ғов бўла олмайди. Бу - юракдаги ВАТАН ТУЙҒУСИ! Ватан туйғуси бешикда она



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4543> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4543> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4543>